Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 29 ноябрь, сешанба | №175 (21.750) | Сотувда эркин нархда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИНИНГ БАРЧА ТУРДАГИ ПЕНСИЯЛАРИНИ ОШИРИШ ТЎҒРИСИДА

Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни таъминлаш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 декабридан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат пенсиясининг энг оз миқдори ойига 135 сўм қилиб белгилансин.

2. Ҳозирги вақтда амалда бўлган барча турдаги пенсиялар, шунингдек, болаликдан ногиронларга, кекса ва меҳнатга яроқсиз фуқароларга бериладиган нафақалар миқдори 1,2 баравар оширилсин.

3. Мазкур Фармонни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар ижтимоий суғурта жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплансин.

4. Ушбу Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 28 ноябрь.

ПРЕЗИДЕНТГА МАКТУБ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам жаноб Президент!

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик руҳи билан суғорилган мактубингиз учун Сизга чин юракдан самимий миннатдорлик билдираман.

Сизга маълумки, 1994 йил 9 октябрида Австрияда парламент сайлови ўтказилган, сайловдан кейин янги ҳукумат тузиш юзасидан узоқ давом этган музокаралар бошланган эди.

Мамлакатингизга ташрифимнинг аниқ вақти белгиланмаганига айнан мана шу ҳол сабаб бўлганини маълум қилиб, уни инобатга оларсиз, деб умид қиламан. Бироқ, тўла ишонч билан баён қиламанки, мамлакатингизга ташрифим янаги йилда албатта амалга оширилажак.

Икки томонлама иқтисодий ҳамкорлик бўйича жуда қизиқарли бир қанча лойиҳалар тайёр бўлганидан хабарим бор. Уларнинг айримлари ҳозир мукаммаллаштириш жараёнида, лойиҳалар мутахассислар синовидан ўтказиб бўлинганидан кейин икки томонлама музокаралар давом эттирилади.

Мамлакатингизга бўлган юксак эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз, муҳтарам жаноб Президент!

Камоли эҳтиром ила,
Франц ВРАНИЦКИЙ,
Австрия Республикаси Федерал канцлери.

Долзарб мавзуда суҳбат

АСРАЛГАНИ НАҚД БОЙЛИК

Президентимизнинг "Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида"ги фармони ҳаёт тақозосидир. Мухбиримиз Китоб тумани прокурори Амир Жўраевич Янгибоев билан ижроси жуда тез таъминланиши лозим бўлган бу муҳим Фармон юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида суҳбатлашди.

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг бу Фармони — муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир, — дейди туман прокурори А. Янгибоев. — Экинларни пайҳон қилишга қарши кураш чора-тадбирлари халқ насибаси, яшил бойликларимизни муҳофаза қилиш борасида катта аҳамиятга эга ишдир.

Узоққа бормайлик. Биргина Китоб туманида бу йил суғориладиган майдонларнинг қарийб 70 фоизини кузги ғаллазорлар эгаллади. Ғалла майсалари кўкариб чиққан, парвариш қилинмоқда. Келгуси йили камида 30-35 минг тонна дон етиштириш режалаштирилаётган туманда экинзорларни сақлашга масъулият билан ёндошиш керак. Тўғри, туманда чорва моллари нинг кўпайиши тўкинлик манбаи ҳамдир. Бироқ айрим кишилар кўрабила туриб, нонкўрлик қилмоқдалар. Экинзорларга оралаган молларини қаровсиз қолдиришмоқда. Масалан, "Навбаҳор" жамоа ширкат хўжалигида яшовчи Саъдулло Маҳматовнинг уч бош оти бир гектар жойдаги ғаллани пайҳон қилганлиги учун етказилган зарарга 500 сўм ундирилди ва маъмурий жавобгарликка тортилди. "Варганза" жамоа ширкат хўжалигида истиқомат қилувчи Иззат Раҳимовнинг 10 бош қорамоли ғаллазорга етказган зарари 1400 сўм баҳоланди. Хуллас шу кунгача 11 та худди шундай ҳодиса аниқланди.

— Келтирилган зарар ва белгиланган жарима устида катта тафовут борга ўхшайди, чоғи?

— Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий ҳуқуқбузарлик кодекси"нинг 109-моддасига биноан моллари экинларни бир марта пайҳон қилган кишига 50 сўм, иккинчи гал юз сўм жарима кўзда тутилган. Кўриниб турибдики, ўн-ўн бешта чорва моли бор киши учун бу жарима арзимасдир. Шунинг учун ҳам айрим кишилар бундан тегишли хулоса чиқариб олишмаяпти.

Президентимизнинг Фармони айни пайтда қабул қилинди ва бизни қатъий чоралар кўришга даъват этади. Фармонда: **"Белгилаб қўйилсинки, мулкнинг шаклидан қатъи назар, корхона, ташкилот ёки фуқароларга тегишли бўлган пайҳон қилувчи воситалар нобудгарчилик натижасида етказилган зарар тўла қопланмагунига қадар эгасидан олиб қўйилади"**, дейилган. Бу ўринда нафақат чорва моллари, балки йўл қолиб, экинзорларни оралаб ўтган транспорт воситалари ҳам кўзда тутилган.

Энди қатъий чораларга келсак, Ўзбекистон Жиноят Кодексининг 182-моддасида экинларни қасддан пайҳон қилган кишиларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳам белгиланган. Экинларни нобуд қилган мол эгалари шу асосда огоҳлантирилмоқда. Акс ҳолда, тегишли жазо чорасини қўллашга мажбурмиз.

— Китоб — боғ-роғларга бурканган тоғли туман. Ўтин муаммоси ҳам ўрмонларга зарар етказишга олиб келмаяптими?

— Буни ҳам инкор этиб бўлмайди. Аҳоли ғўзапоядан фойдаланиб келганлиги, ҳали қишлоқлар тўла газлашмаганлиги — иқотазорлар, ўрмон хўжалиги ҳудудидаги ноёб дарахтзорларни кесиб кетишга сабаб бўлмоқда. Шу ўринда ўрмон хўжалиги ходимлари табиат бойликларини етарли даражада муҳофаза қила олмаётганлигини ҳам айтиб ўтмоқ жоиз. Туман прокуратураси бу борада қатъий тадбирлар белгилади. Ички ишлар ходимлари, айниқса, участка вакиллари, ўрмончилар, дала қоровуллари ҳамкорликда ишлашга жалб этилмоқда. Келтирилган зарарни аниқлашда ҳам изчил йўл тутилянти. Олайлик, дарахт ёки ғаллазор нобуд қилинса, барча зарар ҳисобланиб чиқиляпти. Асосий эътибор — одамларга тушунтириш, нон-насибасини, табиий бойликларини асрашга даъват қилишга қаратилмоқда. Умид қиламиз ва ишонамизки, кўрилаётган тадбирлар изсиз кетмайди.

Суҳбатдош: "Ўзбекистон овози" мухбири Юнус УЗОҚОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИНИНГ АХБОРОТИ

Кейинги вақтларда нақд чет эл валютаси билан операциялар ўтказиш соҳасида айрим фуқаролар Ўзбекистон Республикаси қонунларини бузаётган ҳоллар кўпайиб кетди. Бу эса жойларда, шу жумладан, Тошкент шаҳрида аҳолига АҚШ долларини сотувчи айрибошлаш пунктларида талаб ҳаддан зиёд кучайишига сабаб бўлди.

Ана шу муносабат билан сўмларни чет эл валютасига айрибошлашда вужудга келган кескинликни бартараф этиш учун ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Ўзсаноатқурилишбанк ва Ўзжамғармабанк Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишган ҳолда Тошкент шаҳрида аҳолига эркин айрибошланадиган валюта сотиш бўйича қўшимча айрибошлаш пунктларини очмоқда. Айрибошлаш пунктларининг рўйхати "Тошкент оқшоми" ва "Вечерний Ташкент" газеталарида эълон қилинди.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 9 сентябрдаги қарори билан унга берилган ҳуқуқлардан фойдаланган ҳолда 1994 йил 28 ноябрдан бошлаб ваколатли банкларнинг ихтисослаштирилган айрибошлаш пунктлари орқали нақд сўмларни эркин айрибошланадиган валюталарга алмаштиришдаги энг катта сумма миқдорини қуйидагича белгиладик. Унга кўра, битта жисмоний шахсга — Ўзбекистон Республикасининг фуқаросига ва унга тенглаштирилган резидентларга 1994 йилнинг охиригача аввалги айрибошлаш суммасини ҳисобга олган ҳолда 300 АҚШ долларигача айрибошлаб берилиши мумкин.

РЕСПУБЛИКА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

ТРАНСПОРТДА ТАРТИБ ЎРНАТИЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар ва бирлашмаларнинг раҳбарлари иштирок этди.

"Тошшаҳарйўловчитранс" уюшмаси бўлинмаларида нефть маҳсулотларини сақлаш, улардан фойдаланиш ҳамда автотранспорт ишининг аҳволи ва Тошкент шаҳридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш станцияларининг иши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

"Тошшаҳарйўловчитранс" уюшмасининг фаолияти илгари ҳам комиссия мажлисида кўриб чиқилгани, транспорт ишини яхшилаш юзасидан бир қанча тадбирлар амалга оширилгани таъкидланди. Бироқ йўловчиларни ташиш тизимида туб ўзгариш бўлмади, ҳаракат жадвалини бузиш, автотранспортнинг йўналишдан четга чиқиши, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг ўзбошимчалик билан кира ҳақини ошириши ҳолларига барҳам берилмади.

Меҳнат интизомининг бўшлиги сабабли кўпгина йўналишларда зарур миқдорда транспорт воситалари ишлаши таъминланмаяпти. Бу аввало 2519-автоколоннага, 1, 5, 7, 18-автопаркларга тегишлидир. Уюшмадаги автобусларнинг 40 фоиздан кўпроғи техникавий жиҳатдан носоз. Транспорт корхоналарининг раҳбарлари автотранспорт, троллейбус ва трамвайларнинг кўнгилдагидек ишлашини ташкил этиш юзасидан қаттиқ чораларни кўрмаётир. Буларнинг ҳаммаси кишиларнинг кўплаб асосли шикоятларига сабаб бўлмоқда.

Нефть маҳсулотларини сақлаш ва ундан фойдаланишнинг аҳволи талабга жавоб бермайди, нефть омборларининг техникавий ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилмаган, нефть маҳсулотларининг ортиқча сарфланиши давом этмоқда, ёнилғи билан ишлайдиган техниканинг ишини ҳисобга олиб бориш йўлга қўйилмаган. Тошкент шаҳридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари ишида нуқсонларга йўл қўйилмоқда.

Нефть маҳсулотларидан фойдаланишдаги бепарволиги, автомобиль транспорти ишида тартиб ўрнатиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар кўрмагани учун 18-автопарк бош муҳандиси Б. Қосимов, 1-автопарк бош муҳандиси А. Тўрақулов, 2519-автоколонна директорининг ўринбосари Б. Юсупжонов лавозимидан бўшатилди. 1-автопарк директори Р. Усмонов, 5-автопарк директори М. Мирқосимов ҳамда "Тошшаҳарйўловчитранс" трамвай, троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаси авариятиклаш хизматининг бошлиғи С. Тоипов қаттиқ огоҳлантирилди. "Тошшаҳарйўловчитранс" уюшмасининг раҳбарлари ҳам шаҳар йўловчиларни ташиш транспорти ишида тартиб ўрнатиш юзасидан самарали чоралар кўрмагани учун шахсан жавобгарлиги ҳақида огоҳлантирилди.

"Ўздавнефтьмаҳсулот" автомобилларга ёнилғи қуйиш станциялари ишидаги нуқсонлар учун Тошкент шаҳридаги автомобилларга ёнилғи қуйиш станцияларининг икки нафар бошлиғи ва беш нафар ходими ишдан бўшатилди.

Мажлисда шаҳар транспорти ишини яхшилаш, нефть маҳсулотларидан фойдаланишда тартиб ўрнатиш, интизом ва қонунийликка риоя қилиш учун ходимларнинг масъулиятини ошириш юзасидан қ шимча чоралар белгиланди.

Мажлисда Бош вазирнинг ўринбосарлари Қ. Ҳаққулов, Р. Юнусов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тўлаганов иштирок этди.

(ЎзА).

ШОИРНИНГ ТАВАЛЛУД ТЎЙИ

Саҳоватли заминимизда турли миллат вакиллари яшаб, халқ хўжалиги, илм-фан ва маданият соҳаларида самарали фаолият кўрсатмоқда.

Машҳур корейс шоири Борис Пак 60 ёшга тўлди. Ана шу муносабат билан пойтахтимиздаги "Баҳор" концерт залида адабий кеча ўтказилди. Шоирнинг дўстлари, мухлислари уни муборак ёши билан қутлаб, маданиятимиз ривожига қўшган ҳиссаси ҳақида гапирдилар. Янги ижодий зафарлар тиладилар.

Мамлакатимиз Президентининг фармонига кўра таваллуд тўйи арафасида Б. Пак Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан тақдирланган эди. Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев шоирга ана шу юксак мукофотни тантанали равишда топширди. Кечада шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради.

(ЎзА).

Аждодларимиз етти хазинанинг бири бўлмиш парандачиликни эъзозлаб келган. Бугунги кунда ҳам бу тармоққа эътиборни кучайтирсак, халқимизнинг бойлигига бойлик қўшилиши турган гап.

Ғаллаороллдаги парранда фабрикаси ҳиссадорлик жамиятига айлантирилгандан сўнг бу ерда меҳнатга муносабат тубдан ўзгарди. Қанча фойда олинса, шунчалик ишчилар фаровонлиги юксалиши сезила бошланди. Натижада йил бошидан бўён 250 минг тонна парҳез товуқ гўшти, 20 миллион донага яқин тухум тайёрланди. Айни кунда эса бу ерда 400 мингта товуқ боқилмоқда.

Суратда: илғор ишчи Зуҳро ЁҚУБОВА.

Б. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.

ТАРИХИЙ ДАМЛАР ДАЪВАТИ

Мамлакатимиз тарихида биринчи марта кўппартиялилик асосида ўтказиладиган сайловларга тайёргарлик қизғин паллага кирмоқда. Бу сайловлар мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида қатнашаётган ҳар бир сиёсий партия,ташкилот каби бизнинг партиямиз, жумладан Тошкент шаҳар партия ташкилоти учун ҳам катта синовдир. Шу сабабли яқинда бўлиб ўтган Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг II қурултойида партиянинг сайловларда иштирок этиш масаласи қизғин муҳокама қилинди. Партиямизнинг сайловолди платформаси маъқулланди.

Шуниси қувончлики, қурултой делегатлари ҳам, партиямизнинг кўп сонли фаоллари ҳам бу сайловларнинг Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаетидаги ўрнини, тақдирини белгилашда нечоғлик муҳим аҳамиятга эгалигини теран англамоқдалар.

Бизнингча, бу сайловларда нафақат партиямизнинг тақдири, айни пайтда биз жамиятга тақдим қиладиган дастурий мақсадларнинг тақдири ҳам ҳал бўлади. Унинг моҳияти — ижтимоий адолатли жамиятни барпо этиш, қонунларнинг устиворлигини ва демократияни қарор топтириш, ҳар бир киши ва оиланинг фаровонлигини таъминлашдан иборатдир.

Халқ дилидаги вазифаларни ўз олдига қўйган сиёсий кучгина бу сайловларда ютуққа эришиши мумкин. Шунинг учун биз, партиямиз Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг Олий Кенгашнинг сўнгги сессиясида сўзлаган нутқида олға сурилган умуммиллий ғояларни амалга оширишни ўзимизга мақсад қилиб қўйдик.

Дарҳақиқат, Президентимиз таъкидлаганидек, жамиятимизда тинчлик, ҳамжиҳатлик ва барқарорлик — бугунги кунимизнинг устивор қоидасига айланиши керак. Маънавият ва маърифатни янада юқори даражага кўтаришимиз, умумбашарий ва миллий қадриятларни уйғунлаштириш асосида миллий онгни ва демократик тафаккурни ривожлантиришимиз лозим. Қонунларнинг устиворлиги қоидасига таяниб, мамлакатда мустаҳкам тартиб ва интизом ўрнатиш, ҳар бир фуқаронинг ирқи, миллати ва эътиқодидан қатъи назар конституциявий ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш мақсадга мувофиқдир. Мулкни ўз хўжайинларига — халққа топшириш, эркин тадбиркорлик ва ташаббускорликни ривожлантириш асосида халқимизга муносиб турмуш даражасини таъминлаб бериш, унинг реал даромадларини ошириш зарур. Давлатчилик тизимини мустаҳкамлаш, жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, келажак авлодга озод ва обод Ватанни мерос қолдиришга интилиш керак.

Кўриниб турибдики, олижаноб мақсадларимизнинг кўлами кенг. Шу сабабли, бизнингча, мустақиллигимизнинг асослари мустаҳкамланаётган шу тарихий дамларда давлат органлари ва унинг фуқаролари ўртасидаги бирдамлик, миллатлараро тотувлик ҳар қачонгида кўра муҳимдир. Улар мустақиллигимизни умрбоқий қилишнинг бош омиллари бўлиши лозимлигини назарда тутиб, ҳозирда шаҳар ҳокимлиги, туманлар ҳокимликлари, кўпгина жамоат ташкилотлари билан қатор масалалар бўйича якдил фикрга келдик. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши сайловолди шартномаларини тузган республика ташкилотларининг шаҳримиздаги қуйи бўлинмалари, маҳалла қўмиталари билан фаол иш олиб бормоқдамиз. Умумий ҳаракатлашувга мувофиқ улар партиямиздан Олий Мажлисга ва шаҳар Кенгашига депутатликка кўрсатилган номзодларни қўллаб-қувватлаш юзасидан тадбирлар ўтказадилар. Биз эса ўз навбатида уларнинг орзу-истакларини, таклифларини номзодларнинг сайловолди дастурларини тайёрлашда инобатга оламиз ҳамда парламентда ва шаҳар Кенгашида уларнинг манфаатларини ҳам ифодалаймиз. Масалан, Ёшлар Иттифоқи билан тузилган шартномани олиб кўрайлик. Маълумки, 28 ёшгача бўлган ёшлар мамлакат аҳолисининг 56 фоиздан ортиғини, Тошкент шаҳри аҳолисининг 54 фоизини, сайловчиларнинг 30 фоизини ташкил этади. Агар биз уларни ўзимизнинг сўзимизга ва ҳақлигимизга ишонтира олсак, бу бизнинг катта ютуғимиз бўлади.

Биз учун ҳозир сайловларда муваффақиятли қатнашишдан лигини таъминлаш воситасига айлантириб олганлигини ҳам яшириб бўлмайди. Халқимизнинг яхши-ёмон кунида унга елкадош бўлиш масъулиятини ола биладиган кишиларгагина депутатлик йўли очиқ бўлиши керак.

Шу сабабли, пленумда, номуносиб хатти-ҳаракатлари билан партиямиз шаънига доғ тегизадиган, қонун чиқарувчи ва вакиллик органларида партия йўлини ўтказа олмайдиган, муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан фикр билдиролмайдиган номзодлар энди бизга керак эмас, деган хулосага келинди. Миллати, дини, ирқи, тилидан қатъи назар, софлик, билимдонлик, давлат ва халқ манфаатлари, Ўзбекистоннинг шоншавкати учун фидойилик — партия ташкилотимиздан депутатликка кўрсатилган номзодлар учун ягона мезон бўлиши лозим.

Тошкент шаҳар партия ташкилоти Олий Мажлис депутатлигига тавсия этган номзодлар ичида турли миллат вакиллари бор. Ўзбек А. Алимбоевни, украин В. Товаровскийни, арман А. Мелкумовни нафақат тошкентликлар, балки бутун мамлакатда кўпчилик яхши танийди. Масалан, Ўзнефтгазқурилиш бирлашмасининг бош директори В. Товаровскийни олиб кўрайлик. У ўзининг бутун онгли ҳаётини мамлакат нефть-газ комплексини барпо этишга бағишлаган инсон. Унинг раҳбарлигида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Муборак газ комплекси барпо этилмоқда. Шўртан, Кўкдумалоқ конларида катта ҳажмда қурилиш ишлари олиб борилмоқда. Мамлакат нефть ва газ мустақиллигини таъминлашда унинг хизматларини алоҳида эътироф этиш жоиздир.

Ёки "Ўзэлектроаппарат" бирлашмаси бош директори Абдуманап Алимбоевнинг фаолиятини олиб кўрайлик. Иқтисодиётнинг бозор муносабатларига ўтиш пайтидаги мураккабликларга қарамасдан корхонада асосий ишчи кадрларни сақлаб қолишга, ишлаб чиқариш суръатларини пасайтирмасликка, янги мукаммал маҳсулотларни ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга муваффақ бўлди. Жамоанинг маҳсулот сифати учун уч марта халқаро мукофотга сазовор бўлганлиги ҳам бежиз эмас. Корхонада драма театри, болалар рақс ансамбли, мусиқа маркази, рақс студияси қизғин фаолият кўрсатмоқда.

Ана шундай ташаббускор, фидойи, эл назари тушган кишиларимиз партиянинг фахридир.

Улар ҳақида фақат бизнинг партиямиздан номзод бўлганлиги учунгина бундай илиқ сўзларни айтаётганим йўқ. Уларнинг кимлигини қилган хизматларининг ўзи айтиб турибди. Бундай сўзи ва иши бир кишиларнинг парламентда бўлишидан фақат қувониш мумкин. Уларга овоз берган ҳамшаҳарларимиз хато қилмайди деб ўйлайман.

Тошкент шаҳар Кенгаши депутатлигига партия ташкилотимиздан кўрсатилган номзодлар ҳам эл ҳурмат эътиборига сазовор бўлган турли элат ва миллатга мансуб ҳар хил ёшдаги ажойиб кишилардир. Уларнинг шаҳар Кенгашида иштирок этиши ҳеч қачон фойдадан холи бўлмайди.

Сайловларнинг кўппартиялилик асосида ўтказилиши бутун халқимизни улуғ мақсад — мустақиллигимизни мустаҳкамлаш ғояси, давлатимизнинг тимсоли бўлган Президентимиз атрофида жипслаштиришга хизмат қилмоғи керак.

Биз бутун майда ҳиссиётлардан, тор партиявий манфаатлардан ҳамиша устун турмоғимиз зарур. Шундагина биз буюк келажак сари нурли йўл очамиз.

Латиф ҒУЛОМОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент шаҳар Кенгашининг биринчи котиби.

1994 йил 25 декабрь якшанба — САЙЛОВЛАР куни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИГА ЎЗБЕКИСТОН ХАЛК

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ БЎЙИЧА

Агар Сиз партиямиз номзодларига ишонч билдирсангиз ва улар Олий Мажлис ва маҳаллий ҳокимият вакиллик идораларида мустаҳкам кўпчиликни ташкил этсалар, биз мустақиллигимиз йилларида қўлга киритилган ютуқларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, ўтиш даврининг мураккабликлари боис вужудга келган муаммоларни ечиш, жамиятимиз, давлатимиз, халқимиз, ҳар бир фуқаронинг туб манфаатларига дахлдор... устивор масалаларни ҳал қилиш учун барча куч-ғайратимиз, шижоат ва имкониятларимиз билан курашиш мажбуриятини ўз зиммамизга оламиз.

(Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловолди Сиёсий дастуридан).

Исоқжон Маҳамаджонович ВАҲОБОВ, 31-Мустақиллик сайлов округи

Исоқжонни кўпчилик янгиликка ўч раҳбар сифатида яхши билади. У ишлаб чиқариш маданиятини ошириш юзасидан "Андижон"агросанат фирмасида талай ишларни амалга оширмоқда. Директорнинг таъбири билан айтганда, бу хориждаги ишончли ҳамкорлар билан мустаҳкам алоқани таъминловчи ягона манбадир. Ишчан жамоа бозор иқтисодиётининг қатъий шартларидан келиб чиқиб, шу йўлни танлаб адашмади. Кейинги вақтда асосий ишлаб чиқариш цехлари ва қўшимча иншоотлар таъмирланиб, озода ва шинам иш жойларига айлантирилди. Айни пайтда бу ерда механика цехи пардоздан чиқарилмоқда. Унинг ёнидаги бинолар замонавий қиёфага эга бўлаяпти. Исоқжоннинг кўпчилик учун куйиб-пишиши, жон куйдириши бежиз эмас. У доимо корхона келажагини ўйлайди. Ишчи-хизматчиларнинг шарт-шароитларини яхшилаш чорасини қидиради. Уларнинг 48 нафари яқинда Фурқат кўчасида барпо этилган янги уйга ўз ойласи билан кўчиб ўтди. Унинг ёнида тикланган замонавий болалар боғчаси 280 нафар жажжи ўғил-қизни ўз бағрига олди.

Яхши шароит — унумли меҳнатнинг асоси. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан агрофирмада унумдорликнинг ўсиши 108 фоизни ташкил этди. Қўрилган фойданинг ўзи 8 миллион 700 минг сўмга тўғри келди. Эндиликда бу маблағ корхонанинг ишлаб чиқариш иншоотларини кенгайтиришга, илғор технология ва замонавий асбоб-ускуналарни жалб қилишга, ишчи-хизматчиларни ҳимоялашга, жамоанинг бошқа эҳтиёжларига сарфланмоқда.

Бектош Раҳимович РАҲИМОВ, 32-Озодлик сайлов округи

Республикамиз кенг жамоатчилигига, айниқса, уруш ва меҳнат фахрийларига Бектош Раҳимов номи жуда таниш. У кўп йиллар давомида партия ва давлат идораларида турли раҳбарлик лавозимларида фидокорона меҳнат қилди. Лекин қаерда ишламасин, ташкилотчилиги, ташаббускорлиги ва принципиаллиги,одамларга меҳрибонлиги ва сезгирлиги билан кўпчиликнинг ҳурматэҳтиромига сазовор бўлди. Шу боис ҳам Бектош Раҳимовни меҳрдан тахт яратган инсонлардан бири деб бежиз айтишмайди. Бектош Раҳимов 1993 йил февралидан бошлаб Республика Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашига бошчилик қилиб келмоқда. Унинг жонбозлиги ва ташаббускорлиги туфайли ташкилот фаолияти жуда жонланиб кетди. Чунончи, фахрийлар ўртасида "Ватанимизни гуллаб-яшнаётган боғга айлантирамиз" шиори остидаги ватанпарварлик ҳаракати кенг қулоч ёйди.

Бектош Раҳимов "Хотира" китоби таҳририят кенгашининг раиси ҳамдир. Фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан шу кунларда 1941—1945 йиллардаги уруш жанггоҳларида ҳалок бўлган ва дом-дараксиз кетган 390 мингдан ортиқ ўзбекистонлик жангчилар ҳақида материаллар тўпланди.

Ўйлаймизки, Бектош Раҳимов Олий Мажлис депутатлигига республикамиздаги 2 миллиондан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийларининг муносиб вакили бўлади.

Б. КАИПОВ,
Ўзбекистон Республикаси Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгашининг масъул котиби.

Эгамберди ХОЛИҚОВ, 33-Шифокор сайлов округи

Номзоднинг ишончли вакили, вилоят тинчликни сақлаш қўмитасининг раиси Ғ. Абдуллаев билан суҳбат.

— Эгамберди ишчан, ташаббускор ёшлардан. Мен у билан бир мактабда, бир дорилфунунда таҳсил олганман. У ўша пайтлардаёқ ўзининг янгиликка ўчлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Кўзлаган ишини адо этмагунча тиниб-тинчимасди. Ундаги бу фазилатлар йиллар ўтиши билан шаклланиб қиёмига етди. Ҳаётдан ўзининг муносиб ўрнини топишга ёрдам берди.

— Айтишларича, мактаб жамоаси икки йилдан буён мустақил иш кўраётган экан.

— Рости бу ҳам Эгамбердининг касбига садоқати, меҳру-муҳаббати туфайлидир. Ҳозир чуқур билим ва худо берган истеъдодга эга бўлмай туриб бирон янгиликни амалга ошириш мушкул. Номзодимиз ҳам туғма қобилият эгаси. Болаларни жону дилидан яхши кўради. Уларнинг келажаги учун астойдил жон куйдиради. Мактаб жамоасининг мустақил иш юритаётгани ҳам Эгамбердининг ўзига бўлган қатъий ишончидан, келажакни кўра олганидандир. Ўз ишини ўзи мустақил ҳал этиш имконига эга бўлган жамоа энди анча дадиллашган, унинг сафи эса янгиликка ўч, таълим-тарбия ишларига фидоий ёшлар ҳисобига бойиб бормоқда. Ўқитувчилар ўз иқтидори ва маҳоратларига қараб маош олмоқдалар. Янги ўқув йилидан бошлаб бу ерда махсус гимназия синфи очилди.

Шавкат Ҳасанович ҲАСАНОВ, 34-Саноат сайлов округи

Корхона бошланғич партия ташкилотининг котиби Т. Қаюмов номзод ҳақида қуйидагиларни гапириб берди:

— Андижондаги корхоналар орасида "Коммунар" заводимизнинг ўзига хос ўрни бор. Корхонамиз машиналарига пахта тозалаш саноатида доимо эҳтиёж катта. Аммо бу билан чекланиб қолаётганимиз йўқ. Шу соҳага яна винтеляторлар, қуритгичлар, эҳтиёт қисмлар ҳам етказиб беряпмиз. Мамлакатимизнинг давлат мустақиллиги заводимиз фаолиятида янги саҳифа очди. Давлатга боқимандалик кайфиятидан қутилиб, ўз аравамизни ўзимиз тортишни ўргана бошладик. Дастлабки пайтларда айрим қийинчиликлар оёққа тушов бўлганига қарамай, ишларимиз тўхтаб қолмади. Корхонамиз директори Ш. Ҳасанов тадбиркорлик билан иш юритиб, муаммолардан қутилишимизга имкон яратиб берди. Айниқса унинг жамоамиздаги яхши, ишбилармон мутахассисларга алоҳида эътибор билан қарагани, ғамхўрлик кўрсатгани кўпчилигимизни тўлқинлантирди. Меҳнатда қадр топа бошлаган бу мутахассислар директоримизнинг қанотига кириб, маҳсулот турларини кўпайтиришга, сифатини яхшилашга яқиндан ёрдам бердилар. Изланишлар туфайли ишлаб чиқарилган кичик консерва линияси ва ғишт заводининг харидорлари кўпайиб бормоқда. Асфальт заводи, ёғ ишлаб чиқарадиган мослама, электр тегирмонларимиз ҳам жамоамиз орқали ишбилармон ва тадбиркорларнинг қўлига етиб борди.

Мирзамайдин МИРЗААБДУЛЛАЕВ, 36-Балиқчи сайлов округи

— Мамлакатимиз парламенти депутатлигига рўйхатга олинган номзодлар орасида ўз номимни кўриб қалбим фахру ифтихор туйғуларига чулғанди. Оддий меҳнат кишиларига бўлган эътибор ЎзХДПга хос ва мос бўлган ишларнинг биридир. Агар бўлажак сайловларда муваффақият қозонсам, бу ишончни бутун куч ва ғайратим билан сидқидилдан оқлашга ҳаракат қиламан. Халқ фаровонлиги йўлида астойдил ишлаб, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, қишлоқларни ободонлаштириш, бадавлат деҳқон хонадонларини ташкил этиш, маънавиятимизни юксалтириш ва соғлом авлодни тарбиялашда имкони борича кўпроқ ҳисса қўшаман.

Бугунги кунда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларни сайловолди дастуримнинг асосий мезонига айлантирдим. Чунки қишлоқ юксалмай туриб элни тўйдириб бўлмайди. Депутатликка сайлансам, қишлоқ хўжалигини техника, моддий ресурслар билан таъминлаш, янги иш жойларини ташкил этиш, саноатни қишлоққа жалб қилиш бўйича Олий Мажлис йиғилишларида ўз фикр-мулоҳазаларимни ўтказишга интиламан.

Аҳмаджон ҲОЖИЕВ, 37-Оқолтин сайлов округи

Комсомолободликлар Аҳмаджон Ҳожиевни Президентимиз билан мулоқотда бўлган раис дея фахр билан тилга оладилар. Ишбилармон раҳбар ҳам пахта йиғим-терими авжига чиққан пайтда ширкатлар уюшмаси ҳаётида рўй берган бу қувончли воқеани бир умр ёдидан чиқаролмайди. У бошқараётган "Улуғнор" ширкатлар уюшмаси пахтакорлари Президентимиз ташрифидан руҳланиб, мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Давлат қабул пунктларига 8 минг тонна "оқ олтин" топшириб, режани ортиғи билан уддалашди.

Йилнинг бошида у жамоани бошқаришни қўлга олди-ю, ишни ташкил этишга астойдил киришди. Ишбилармон раҳбар учун бу ютуқлар оддий бир марра холос. У эл-юрт манфаати йўлида фидокорона ишлашни ўзининг асосий муддаосига айлантирган. Элни сийлаганни эл сийлайди, деб бежиз айтилмайди. Халқ ишонч билдирса Аҳмаджон Ҳожиев албатта уни оқлайди.

Мухторжон ПАРПИЕВ, 38-Шаҳрихон сайлов округи

Инсон зоти дунёга келибдики, яратиш, яшнатиш ишқи билан банд. Халқимизнинг минг йиллик ўтмишини элга сўзлаётган асрий обидалару меъморчилик мажмуалари ана шу меҳру муҳаббат, иштиёқ ва интилиш туфайли барпо этилган. Уларда сайқал топган ҳар бир манзаранинг ўзи бир мўъжиза. Мухторжон ҳам ана шу мўъжиза яратувчиларнинг ишини орзу қилиб янглишмади. Шинам уйлар, қатор иншоотлар қуришни дилига тугиб, қурувчилик касбини танлади. У қаерда, қайси соҳада ишламасин, юртимизни яшнатишга меҳру муҳаббатини бағишлади.

Халқ хўжалигида катта аҳамиятга эга бўлган Андижон пойабзал фабрикаси, Асака паррандачилик фабрикаси, Шаҳрихон атлас тўқиш фабрикаси каби қатор муҳим иншоотларнинг ишга туширилишида Шаҳрихон шаҳридаги 126-хўжаликлараро кўчма механизациялашган колонна прораби Мухторжон Парпиевнинг муносиб хизматлари бор.

Ҳозир Шаҳрихон шаҳрида замонавий услубда тикланаётган савдо расталари кўпайиб бормоқда. Уларнинг кўпига Мухторжон ишлаётган жамоанинг қўли теккан, хизмати сингган. Мухторжон Парпиев депутатликка сайланса, бунёдкорлик ишларини мамлакатимиз миқёсида кенгайтирмоқчи.

Мухтор Қурбонович ОТАБОЕВ, 39-Юқори Шаҳрихон сайлов округи

Мухтор Отабоев билан иш юзасидан кўп ва хўп гаплашганмиз. Доимо тиним билмайдиган Шаҳрихон туман партия кенгашининг биринчи котибини қачон йўқламайлик, топиб бўлмасди. Қабулхона котибасининг муомаласиданоқ унинг қайсидир хўжаликда, меҳнаткашлар орасида юрганлигини билиб олардик. Бу гал уни "Олтин водий" жамоа хўжалигидан топдик. Бу хўжалик ўша куни пахта тайёрлаш йиллик режасини адо этган эди. Кечга бориб меҳнаткашлар қувончига Шаҳрихон тумани пахтакорларининг меҳнат ғалабаси ҳам қўшилиб кетди.

Мухтор Отабоев ўтган йилнинг март ойида 1400 нафар ХДП аъзоси билан туман партия кенгашини қабул қилиб олган эди. Унинг ўз ишига масъулият билан қараши туфайли партия сафлари тобора мустаҳкамланиб бормоқда. 70 та бошланғич ташкилот ўзига 2800 нафар ХДП аъзосини бирлаштириб турибди.

Биринчи котиб туманда Ўзбекистон Президенти Фармонларини амалга оширишга катта ҳисса қўшиб келмоқда. Қатор соҳаларга оталиқ ёрдами кўрсатаяпти. Жумладан, деҳқон фермер хўжаликларини ривожлантиришга, ғалла мустақиллигини таъминлашга, пиллачиликни серда-ромад тармоққа айлантиришга партиявий ёрдам бермоқда. Шаҳрихонликлар муносиб номзод танлашда адашмадилар.

Авазбек Ҳусанович ЭГАМБЕРДИЕВ, 40-Истиқлол сайлов округи



— Авазбек корхонамизнинг ташаббускор, ишчан ёшларидан, — дейди Асака шаҳридаги 1-пахта тозалаш заводининг директори Неъматжон Мамажонов биз билан суҳбатда. — У ота касбини улуғлаб кам бўлмади. Жамоамизда катта обрў-эътибор орттирди. Авазбекнинг отаси Ҳусанбой ака ҳам бир пайтлар заводимизни қурган эди. Падари бузрукворининг меҳнати сингган жойни эндиликда фарзанди ободқилмоқда. Корхонамизнинг турдош жамоалардан ажралиб туришининг боиси ҳам шунда. Атроф-муҳит тозалигига ва ободончиликка алоҳида эътибор беряпмиз. Ўз ишига масъулият билан ёндошиш, берилган топшириқни сидқидилдан адо этиш Авазбекдаги фазилатларни янада бойитмоқда. У 15 йиллик иш фаолияти давомида жажжи ўғил-қизларимизга 140 ўринли болалар боғчаси қуриб берди. Жами 58 хонадонли учта уйнинг калитларини ишчи-хизматчиларимизга топширди. 100 ўринли миллий ҳаммом, 50 ўринли ётоқхона, устахона ишга туширилди. Ғовакли ғишт ва асфальт ишлаб чиқарадиган цехлар қуриб битказилишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Эндиликда заводимиз ишчи-хизматчиларининг саломатлигини муҳофаза этишга хизмат қилувчи 100 ўринли профилакторий қурилишини олиб бормоқда.

Авазбек депутатлиги муносиб номзод. Партиямизнинг унга бўлган ишончи жамоамиз учун ўзига хос рағбат бўлди.

Олимжон Маҳаммаджонович МЕҲМОНОВ, 41-Асака сайлов округи

— Республикамизнинг давлат мустақиллиги шарофати билан жойларда меҳнатга муносабат ўзгариб бормоқда, — дейди Асака туманидаги "Ўзбекистон мустақиллиги" жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи Олимжон Меҳмонов. — Эндиликда ҳар ким ўз ишининг моддий натижасини кўзлаб ишлаяпти. Ундан келадиган мўмай даромад яшаш тарзимизни ўзгартиришга йўл очмоқда. Қишлоқларимизни ободонлаштиришга, одамларнинг турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилишига умид боғланмоқда. Ваҳолонки, қишлоқ ҳаётига ҳеч қачон бундай эътибор бўлмаган эди.

Деҳқончилик маданиятини ошириш ва пахтачиликни ривожлантириш ҳозирги куннинг энг муҳим вазифасига айланган бир пайтда эртапишар навларни яратиш муҳим вазифа бўлиб турибди. У табиий иқлими ўзгариб бораётган республикамиз деҳқончилигида янги саҳифа очади. Қишлоқ кишисининг меҳнатини енгиллаштиради. Агар эл менга ишонч билдирса парламент йиғилишларида энг аввало шу масалани ҳал этишга ҳаракат қиламан. Чунки бугунги кунда қишлоқда саноатни ривожлантирмай туриб, иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошириш қийин.

Қишлоққа саноатни жалб этиш, қўшма корхоналарни ишга тушириш депутатлик фаолиятимдаги энг муҳим вазифаларга айланади.

Ислоҳот ва одамлар

ШЎРЧИНИНГ КУМУШ ФАВВОРАЛАРИ

Шўрчи туманининг ҳокими Эшболта Шерматов тўқсон иккинчи йилнинг бошларида ўтказилган йиғинларнинг бирида бош кийимини ғижимлаб столнинг устига қўйганди. Ўшанда, эй, биродарлар, дей нутқ ирод этганди. "Қачонки биз сут етиштиришни эртага фалон килограммга қўпайтирамизу эчкиларимизнинг эгиз туғишини кутаяпмиз, деб ўтираберсак, абгор бўламиз. Қишлоқни саноатлаштириш керак. Одамларга иш керак".

Ўшанда кўплар Шерматов Брежневга тақлид қилиб гапиришни ўрганиб қолган, деб ўйлашди. Унинг гапларига ишонишмайди.

Мана бугун... ишонишяпти. Бу ишончни қозонмоқ учун бош кийимлар нима бўпти, асаблар ғижимланганини, муносабатлар ойдинлашганини ва пировардида кўрса арзигулик ишлар қилинганини айтаверсак...

УМАРОВНИНГ МАРРАСИ

Эшмирза Муҳаммадиев деган акамиз бор. Ҳокимликда ишлайди. Ҳов бир замонлар газетасида Сўфи Оллаёр ҳазратлари ҳақида каттакон бир мақола босилишига изн қилгани учун муҳаррирликдан "урилган" одам. Бир гапириб, ўн кулади.

Бир гал менга шу одам Умаров Турди деган йигит ҳақида гапириб қолди, собиқ, дўкондор, бизнесмен. Ва... Шўрчининг энг катта ҳаёлпарастларидан бири. Кунига 5500 жуфт пойафзал тикадиган италянча фабрика қураман деяётганмиш...

Шундай деди-да Эшмирза ака завқ билан осмонга қараб кулди.

— Ишонмайсизми энди шу гапга? — деб сўрайман мен ундан.

— Ишонмасдан бўладими. Ахир бу ишга Эшболта Шерматовнинг ўзлари бош қўшиб турса, — деди у жиддий тортиб. Фақат Турдининг, фабрикани тўқсон учинчи йили ишга қўшаман деганига ишончим йўтроқ. Тўқсон бешинчи йилларга борса керак...

Умаров билан танишдим. Келбати, юз тузилиши — асл қўнғирот. Чет элнинг либослари ўзига ярашиб туради. Муҳаммадиевнинг акси — ўнта латифа айтиб бериб ҳам кулдиролмайсиз.

Фабрика қурамиз деб юрган пайтлар дастлаб Турдининг кайфияти яхши эди. Шерик томон — Югославиянинг АЗВС Экспресс — Градна компанияси раҳбарлари билан борди-келдилари қуюқлашди. Иморат тайёр. Ускуналарини олиб келтириш учун пахта толаси жўнатилган. Лекин... ускуналарнинг келтирилиши кечиккандан кечиктирилаверди. Умаров бўлса кўчага чиқишга ҳам уяла бошладию... Қани ускуна? Қани фабрика? Қани италянча пойафзал? Қани ваъдага вафо?

Ана шундан сўнг Турдининг пайтавасига қурт тушди-ку. Ҳали Москва, ҳали Белград. Иш энди юришган жойдан ишкал чиқади. Гўё арзимаган бир имзо учун Москвадан Тошкентга учишга тўғри келади. Экспресс-Граднанинг муаммолари билан боши қотиб турганда телефон жиринглаб қолади: — Шерматов. Сўрови аниқ: қани ускуна, қани...

Ва ниҳоят бир гал кутилмаганда Турди Сава Жукич деган ўзи тенги бир йигит билан дўстлашади. Бу омад эди. Чунки Жукич Англиядаги "Дюкис" деб номланадиган фирманинг эгаси. Экспресс-Градна компаниясининг бошини қотирган чигални шу фирма ҳал этиши мумкинлигини Турди олдиндан биларди.

Турдининг сафари бир ярим ойга чўзилди. Ҳатто у Шўрчига ускуна ортилган вагонлардан кейинроқ борганим маъқул, деган гапни хаёлидан ўтказди. Ва ниҳоят бўлажак фабрикада "ОРТО-ГОЛЛИ" деган италянча ноёб ускуна ўрнатилди. Энди нафақат Шўрчи, ҳатто Ҳамдўстлик мамлакатлари одамлари шу ускунани назарда тутиб, бизда шунақа ноёб қурилма бор деб аташлари мумкин.

Ҳар учрашганимда мен Турдидан, қачон энди италянча пойафзал киямиз деб ҳазиллашиб сўрайман.

— Италянча эмас, "маде ин Шўрчи", — деди у бу гал юзи буришиб. — Қўшимча ускуналар ўрнатиб бўлинди. Ишчилар ўқитилди. Энди гап Давлат қабул ҳайъатида қолди, холос.

МЕҲНАТ ТИЛНИ БУРРО ҚИЛУР

Шўрчи дон маҳсулотлари комбинатининг "Бунёдкор" корхонаси кадрлар бўлими бошлиғидан "исмингиз нима?" деб сўраганингиз билан барибир айтмаслиги мумкин. "Мен — Муҳаммадиевман" деб ўтираверади-да. Муҳаммадиевдан бир вақтлар "севган қаҳрамонингиз ким?" деб сўраганларда, Ҳожи Муқон деб жавоб берган. Ҳозир ҳам шундай дейди. Ҳожи Муқондай одамнинг сичқони тушмагурдан қўрқишини гапириб, ўзининг яхши кўрган қаҳрамонига меҳри товланиб кулганида кўзларининг юмилиб кетишини кўринг-да.

Фалакнинг гардиши билан Муҳаммадиев "Сурхон савдогари" рўзномасига муҳаррир бўлди. Кўп ўтмай уни ўзининг қўл остида ишлаб турган ходими ишдан бўшатиб юборди. Шундан сўнг у "дунёсан-а, дунёсан", деган халқ қўшиғини хиргойи қилиб, хайр мухбирлик йилларим деди-да, биз юқорида эслатган корхонага ишга ўтди. Уни йўқлаб заводга бордим. Завод, тўғриси энди қурилаётган экан. Қурилиш бошланган кунлари Олтинсой туманининг Хидиршо қишлоғидан бир чармгар йигит келипти-да, Муҳаммадиевнинг уйидан бир қўйнинг терисини обкелтириб, ошлапти. Такаки (замш) тайёрланиб, Бозорга қўлинг ўргилсин туфли тикиб берипти. Оёғингиз енгил бўлсин, депти. Бозорнинг бўлса чиндан ҳам оёғи енгил. Илгари ёзган мақоласига маъқулроқ сарлавҳа тополмаганиданми, маошию гонорари озлигидан эзилибми кўзимга ҳамиша ланж кўринарди. Бу ерда бўлса у қурилишнинг фаол аъзоси. Хизматкаш йигит; ҳали телефондан ахборот оляпти. Гоҳида бўлса қўлида ғишт, цемент, пайвандлаш қуроли.

— Завод ишга тушса йилига 175 минг терини қайта ишлайдиган бўламиз, — дейди у. — Ҳов дўстингизнинг (Турди Умаровнинг демоқчи бўлса керак) пойафзал дастгоҳига хом ашёни тўла етказамиз. Манави икки қаватли бинода бўлса пўстин, телпак, пальто тикилади.

Шерматов яна бир нарсага — фаввораларга қизиқади. Фавваралардан худди ёш болалар сингари завқланади. Муҳаммадиев менга кейинги уч йилда Шўрчида йигирматага яқин фаввора қурилганини айтиб қолди. Бироқ фавворалар хўжакўрсин учун ёки бошқа иш топилмай қолганидан эмас, балки бирон йирикроқ иншоотми, завод-фабриками қурилса зеб сифатида ўша қурилишдан кейин қурилади. Ва Муҳаммадиев шундай қурилишларни санай кетди; иккита мебель, ипак тўқиш фабрикалари. Нон заводи, тери оқлаш, аккумулятор заводлари. Меҳмонхона, пахта заводидаги истироҳат комплекси...

Таъмирлаш-механика заводидаги самовар, челак ва бошқа рўзғор буюмлари тайёрлаш цехлари.

— Бу томонларга яна икки ойдан сўнг келсангиз... Қундуз терисидан телпак, чарм пойафзал, қопчиқ, қўлқоп...

Катта бир кўргазмада Шўрчининг чарм заводи тўққиз хил маҳсулотини намойиш қилипти, деган гапини эшитиб, Шерматовга қилган ваъдам ёдимга тушди. Тўғри чарм заводининг сарбони-дон комбинатига бордим.

— Кўргазмада "беш" олганимиз тўғри, — дейди комбинатнинг директори — Лекин бизга "беш"дан ҳам, тантанадан ҳам заруррроғи — маҳсулот. Комбинатимизнинг ўз дўкони бор. Дўконда фақат ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар — иссиқ нон, макарон сотаяпмиз. Ана энди Амирвойга (чарм заводининг бошлиғи) айтдим: Жўра, заводнинг қурилишига комбинатнинг озмунча пули кетмади. Ҳисобли дўст — айрилмас. Энди дўконимиз учун маҳсулот бер. Нафақат Шўрчида, бошқа туманларда, бошқа вилоятларда ҳам дўкон очамиз. Дўконни энди сен обод қилмоғинг шарт деди.

— Завод қурилаётганида бу ерда шовқин-сурон баланд эди. Ҳозир бўлса бирмунча сукунатга чўккандай. Сабаби, Амир Қулматовнинг айтишича терини ишлашга кимевий моддалар тақчил. Тўғри, халқ усулларини қилиб анорнинг пўстлоғидан, бодом ва ўрик дарахтларининг илдизидан зарур моддаларни тайёрлаш мумкин. Лекин ишни барибир замонавий ўлчамлар даражасида йўлга қўймаса бўлмас. Ана ўшанда завод ҳовлисида қурилган фаввора камалаклар оғушида осмонга отилиб турса ярашади.

— Фавворанинг қувурларини занг бостириб қўймаймиз, — дейди Қулматов. — Лозим бўладиган барча техник шароитларни яратиб бўлдик. Чармни бичиб ундан пальто тикадиган жараёнларимиз тахт. Гап фақат кимёвий моддага қолиптими...

***

Шерматов якун, танаффус, дам ростлаш деган гапларни хуш кўрмайди. Аҳен-аҳёнда Туркия таассуротларидан сўз очади. Минг километрлик катта йўлнинг икки томонидан беш юзга яқин корхонани санаб ўтдим. Кўз қўрқоқ, қўл ботир. Қўлини ботирликка ўргатган одамнинг кўзи керак бўлса қуёшни ендиради. Қиладиган ишларимиз ҳали олдинда, деди. Сўнг саволим жавобсиз қолмаслиги учунми, қуйидагиларни қўшимча қилди. Кейинги уч йилда туманимизда етти минг иш ўрни очилди. Қурилаётган тўқимачилик, спорт кийим бошлари тикиш фабрикаларига беш минг ишчи керак бўлади. Қаранг, яна режалардан гапира бошладим. Ўрганиб қолипмиз. Одамзот дегани эртанги кунни соғиниб яшайди, ўзи...

Олимжон УСАНОВ,
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИДАН КЎРСАТИЛГАН НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРАЙЛИК!

1994 йил 25 декабрь якшанба — САЙЛОВЛАР куни

Акбарали ТЎРАЕВ, 42- Марҳамат сайлов округи

— Халқимизнинг кўпчилиги қишлоқларда яшайди ва деҳқончилик билан шуғулланади, — дейди Марҳамат тумани агросаноат уюшмаси раиси Акбарали Тўраев. — Агроном бўлганим учун ҳам аввало суғориладиган майдонларнинг унумдорлигини оширишни ўзимнинг биринчи галдаги вазифам деб биламан. Чунки туманимиздаги экин майдонларининг асосий қисми ер ости сизот сувларига яқин жойлашган. Шу боис кейинги йилларда юқори ҳосил олиш бирмунча қийинлашмоқда. Унинг зарурлиги ҳамма учун самарали, молиявий сиёсат ишлаб чиқиш, қишлоқда ўрта ва кичик бизнесни ривожлантириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарни кўпайтириш ва уларни зарур техника воситалари ҳамда эҳтиёт қисмлар билан таъминлашга фаол кўмаклашаман. Қолаверса Конституция ва қонунларга риоя қилиш, қонун чиқарувчи, ижроия ва суд органларининг ўзаро уйғунлашувини таъминлаш, жамият ҳаёти ва ривожланишининг ҳуқуқий асосларини яратиш, сиёсий бошқарув тузилмаларини такомиллаштириш орқали мустақилликнинг сиёсий негизларини мустаҳкамлаш ишига фаол кўмаклашаман.

Бори АҲМЕДОВ, 46-Қўрғонтепа сайлов округи

Олим ва адиб, Ўзбекистон Республикаси ФА мухбир-аъзоси, тарих фанлари доктори, профессор Бори Аҳмедов ҳақида гап кетганда Ҳазрати маҳдум Абдураҳмон Жомийнинг ушбу сўзлари ёдга тушади:

Шамни кўр, шамдек бўл, ёниб, сийму тан,
Ўзгалар базмини қилади равшан.

Дарҳақиқат, сарғайган саҳифаларда яширинган тарих ҳақиқатини тиклаш, бу ҳақиқатни ёмон кўзлардан асраш йўлида рақиблар билан кураш, ҳар қандай қийин шароитда ҳам ўз эътиқодидан чекинмай, шу халқ шаъни, шу тупроқ ҳуқуқи учун камарбаста туриш каби фазилатлар Бори Аҳмедовни юксакликка кўтарди, кенг жамоатчилик ўртасида эътибору эътирофга мушарраф этди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний мукофоти совриндори Бори Аҳмедов яқинда олимлардан биринчилардан бўлиб "Дўстлик" ордени билан мукофотландилар.

Ҳаким САТТОРИЙ.

Усмон МАНСУРОВ, 49-Избоскан сайлов округи

Избосканда қаҳрамонлар кўп. "Олтин юлдуз"лиларнинг ўзи 12 нафарни ташкил этган. Усмон ака уларни эслар экан, ҳаёлида бутун бир тарих гавдаланади. Ҳаётда бу қаҳрамонлар билан тенг қадам ташлашнинг ўзи бўлмасди.

Ҳаммаси ўт-олов эди уларнинг... Усмон аканинг ёшлиги урушнинг оғир кунларига тўғри келди. Уруш азобларини у йиллар давомида бошидан кечирди. Душман ортидан қувиб то Берлингача борди. Кейин умрини ўз юртида ободончиликка, маъмурчиликка, эл дастурхонини тўкин-сочин қилишга бағишлади.

Туманнинг ижтимоий - иқтисодий ҳаётида фахрийларнинг муносиб ўрни бор. Аҳолининг тўю маракалари уларсиз ўтмайди. Усмонжон акани фахрийлар билан гоҳ ўз ишхонасида, гоҳ туманнинг у ёки бу жойида турли масалалар ҳал қилинаётган пайтда учратиб қоласиз.

Туман фахрийлар кенгаши раиси Усмон Мансуров бўлажак ишларни режалаб уларни амалга ошириш чораларини кўрмоқда. Отахоннинг сайловолди дастури билан танишган ҳар бир киши Усмон аканинг келгусида катта мақсадлари борлигига ва уларнинг албатта рўёбга чиқишига ишонч ҳосил қилади.

Исмоил Халилович ЮНУСОВ, 43-Булоқбоши сайлов округи



— Депутатлик мансаб ёки амал эмас, халқ иши учун фидойиликдир, — дейди Булоқбоши тумани партия кенгашининг биринчи котиби Абдувосит Холматов. — Ўзбекистон тарихида илк бор кўппартиялилик шароитида ўтадиган сайловларга ана шу улуғ ишга муносиб номзодларнинг кўрсатилганлиги ва қўллаб-қувватланаётгани биз учун қувончлидир.

Туманимиздаги Б. Ражабов номли жамоа хўжалигининг бош агрономи Исмоил Юнусов ҳам ана шундай халқ, Ватан ишига ўзлигини бағишлаган партия аъзоларимиздан. У меҳнат қилаётган хўжалик туманимиздаги илғор жамоалардан ҳисобланади. Бош агрономнинг хўжаликни ривожлантириш, қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш борасидаги ишларини кўпчилик қадрлайди. Бу касб эгаси ўзининг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги билан хўжалик меҳнаткашлари ўртасида катта обрў-эътибор қозонган.

У доимо ўзининг янги ташаббуслари билан хўжаликни иқтисодий жиҳатдан юксалтиришга ҳаракат қилади. Ўзига бўлгани каби ўзгаларга ҳам талабчанлиги билан бошқалардан ажралиб туради. Исмоил Юнусов ўзининг сайловолди дастурида халқимизга сидқидилдан хизмат қилишни асосий мақсадига айлантирган. Эл ишончини шу йўл билан қозониб, холис хизмат қилишдан ортиқ бахт йўқ унга.

Равшанбек Иномжонович СИДДИҚОВ, 47-Султонобод сайлов округи

Равшанбек Иномжонович қайси соҳада ишламасин, ўзининг ишбилармонлиги ва ташкилотчилиги туфайли аҳоли турмуш тарзини юксалтиришга, хўжаликни иқтисодий-ижтимоий ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг ташкилотчилиги Қўрғонтепа туманидаги Ш. Рашидов номли агрофирмага раҳбарлик қилаётган ҳозирги кезларда айниқса, яққол намоён бўлмоқда. Агрофирма раҳбари Қорадарёнинг чап қирғоғидаги тошлоқ майдонлар ўрнида узумзор боғлар яратишга эришди. Бугунги кунга келиб янги ўзлаштирилган 550 гектар майдонда мевали боғ ва 650 гектар ерда узумзор ташкил этилган.

Хўжалик йилдан-йилга деҳқончилик маданиятини ошириб бормоқда. Ерлар унумдорлигини юксалтираяпти. Серҳосил навлар ҳисобига ҳосилдорлик тобора ошмоқда. Агрофирма аъзолари бу йил давлатга 1450 тонна мева, 2253 тонна узум етказиб берди. Етиштирилаётган маҳсулотнинг 50 фоизи хўжаликнинг ўзида қолиши ҳисобига агрофирманинг ижтимоий-маданий ривожланишига, ишлаб чиқариш корхоналарини қишлоқларга жалб этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Хўжаликда ишлаб турган консерва цехида бир йилда 3 миллион шартли банка маҳсулот тайёрланмоқда.

Сидиқ ЮЛЧИБОЕВ, 50-Пойтуғ сайлов округи

Навбатдаги раҳбар ўзгариши Избоскан шойи тўқиш фабрикаси ишчи-хизматчиларини, заррача бўлсада, таажжублантирмади. Хом ашё етишмаслиги боис улар қатор қийинчиликларни бошидан кечираётган эдилар. Кўпчиликдаги кайфият ишлаб чиқаришга ҳам таъсир этганди.

— Шундай шароитда буниси нима ҳам қилиб бера оларди, — дейишди айримлар тилига эрк бериб. — Қанча уддабуронларини кўрмадик...

Олди-қочди гапларга Сидиқ Юлчибоев эътибор бермади. Иш бўлган жойда тартиб-интизомининг жойга тушиб кетишини у яхши биларди. Шунинг учун ҳам фабрикадаги тўхтаб қолган линияларни ҳаракатга келтиришни янги раҳбар биринчи галдаги вазифасига айлантирди. Тадбиркорлик билан фаолият кўрсатиб, корхонани хом ашё билан таъминлади. Ишнинг кўзини биладиган, эртанги кунга қатъий ишонч билан қарайдиган фабрика директорининг дастлабки фаолияти кўп ўтмай кўпчиликни қизиқтириб қолди. Жамоанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари яхшиланиб, меҳнат унумдорлиги ортиб бормоқда. Маҳсулот сифати тубдан яхшиланаяпти. Ташаббускор ва ташкилотчи директор, партия аъзоси Сидиқ Юлчибоевнинг саъй-ҳаракатлари туфайли қатор муаммолар ўз вақтида ҳал этиляпти.

Расулжон Мухтарович МУХТАРОВ, 44-Хўжаобод сайлов округи

Расулжон ака мақтанчоқликни хуш кўрмайди. Кам гапириб кўп ишлашни ёқтиради. Кейинги олти ой давомида мен у билан вилоят партия кенгашининг жойларида ўтказилган жуда кўп тадбирларида иштирок этдим. Меҳнаткашлар, оддий соҳа кишилари билан бўлган мулоқот ва учрашувларда қатнашдим. Ундаги сўз қудрати оддий эмас: ҳар қандай одамни сеҳрлаб олади. Расулжон ака қаерда бўлмасин доимо ўзи ҳақида ёрқин таассурот қолдиради.

Ўзининг 30 минг нафар ХДП аъзосига эга бўлган вилоят партия ташкилоти асосий диққат-эътиборини аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратишмоқда. Бу ишларга Р. Мухтаров бош-қош.

— Унинг раҳбарлик қобилияти вилоят миқёсида ишлаган кезлари яққол намоён бўлди, — дейди номзоднинг ишончли вакили, Хўжаобод туман халқ таълими бўлимининг мудири Тоҳиржон Тожиддинов. — Бунга у ўз устида тинимсиз ишлаши, изланиши туфайли эришмоқда.

— Расулжон бутун вужуди билан партия ишига берилган одам, — дейди шу тумандаги "Дилкушо" ороғонининг директори Зулунхўжа Карамхўжаев. — Она-Ватанимизга бўлган юксак эътиқоди билан яшаб, ишлаб келмоқда. Депутатликка муносиб номзод.

Зайнидин АБДУҒАНИЕВ, 48 -Пахтаобод сайлов округи

Зайнидин Абдуғаниевни кўпчилик Пахтаобод туманидаги "Озод" жамоа хўжалигининг етакчисигина эмас, ташкилотчи раҳбар сифатида яхши билади. У 782 гектар майдонда деҳқончилик қилиб, мўл ҳосил етиштириш билан бирга, аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, маҳаллаларни ободонлаштириш ишларига ҳам муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Жамоа хўжалигида жойлашган Уйғур қишлоқ фуқаролар йиғинида 9 та маҳалла, 3 та ўрта мактаб, 1400 хўжалик бор. Аҳолининг ишга жалб этилмаган қисмидан тўғри фойдаланиш мақсадида раис 13 та кичик корхона очиб, одамларни иш билан таъминлади. Ўтган йили ишга туширилган кон ерва цехи 3 минг шартли банка маҳсулот ишлаб чиқарди. Эндиликда цехда томот тайёрлаш йўлга қўйилмоқда. Карам тузламасини етказиб бериш мўлжалланаяпти. Бу ноз-неъматлар орқали хўжалик аҳолининг қишки дастурхонини безайди.

Бугунги кунда Зайнидин Абдуғаниевни билган, унинг меҳнатидан оз бўлса-да, баҳра олган сайловчилар қувончининг чеки йўқ. Партиядошлар ишонишдими, номзод уни албатта оқлайди.

Абдимажид Абдирайимович АБДИҲАКИМОВ, 51- Хартум сайлов округи

Номзоднинг ишончли вакили, Андижон туманидаги 6-ўрта мактаб ўқитувчиси Холисбек Раҳимов шундай ҳикоя қилади:

— Абдимажид ўзининг ишбилармонлиги, уддабуронлиги, меҳнатсеварлиги ва ташкилотчилиги билан ажралиб туради. Қайси соҳада ишламасин, аввало ўз вазифасини сидқидилдан адо этишга интилади. Унинг ишчанлик маҳорати Хирабек қишлоқ фуқаролар йиғинига раислик қилаётган ҳозирги даврда айниқса шаклланди. Раис қишлоқ ҳудудидаги маҳаллаларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор берди. Ўтказилаётган барча тадбирларни ихчам ва камчиқим ташкил этишга эришди. Маҳалла қўмиталари ва мактаб жамоалари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиб, тарбиявий соҳада муҳим натижаларга эришди. Айни пайтда қишлоқ фуқаролар йиғини раиси ўз фаоллари билан биргаликда ишбилармонлик ва тадбиркорлик ҳаракатларини ҳам астойдил қўллаб-қувватламоқда. Худудда Ўзбекистон Президенти Фармонларини амалга ошириш юзасидан катта ишлар қилинмоқда. Бу ерда яшовчи 18 минг аҳолини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш ишлари ҳадемай охирига етказилади. Ҳа, халқ айтгани ҳақ чиқар. Бўлажак сайловларда ўзининг Абдимажидга ўхшаган муносиб номзодларини депутатликка сайлайди.

Бўрибой ҒАНИЕВ, 45-Жалолқудуқ сайлов округи

— Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик бизнинг энг бебаҳо бойлигимиздир, — дейди Жалолқудуқ туманидаги Қатортол қишлоқ фуқаролар йиғинининг раиси Бўрибой Ғаниев. — Мамлакатимиз Президентининг бу борада олиб бораётган ўткир изчил сиёсати ҳозирги тинч ва фаровон турмушимизга асос бўлмоқда. Партиямиз ҳам бу изчил сиёсатни оғишмай амалга ошириб келмоқда. Юрт тинчлиги, осойишталигини таъминлашга алоҳида улуш қўшаяпти. Партиямизнинг сайловолди Сиёсий дастурида ана шу бебаҳо бойлигимизни қадрлашга ва асраб-авайлашга алоҳида аҳамият берилганлиги бунинг ёрқин ифодасидир. Дастурда айтилганидек, бу бизни доимо ҳушёр бўлишга, мамлакатимиздаги мавжуд барқарорлик, ўзаро тушуниш ва ҳамкорликни сақлашга даъват этади.

Ўзбекистонимизни тинчлик, осойишталик ва барқарорликнинг мустаҳкам қўрғонига айлантириш улкан саодатдир. Бу йўлда қилинаётган ишларни изчил давом эттириш, азиз Ватанимизни асраб-авайлаш, улуғлаш, шону шуҳратга буркаш бўлажак депутатларимизнинг виждоний бурчидир. Депутатликка сайлансам, мен ҳам албатта шу улуғ ишга ҳисса қўшиш орқали халқ ишончини оқлашга ҳаракат қиламан.

Толибжон Солиевич ХУДОЙБЕРДИЕВ, 52-Куйганёр сайлов округи

— Толибжон ака, халқ ишончи депутатларга катта масъулият юклайди. Депутатликка сайлансангиз қандай ишларни амалга оширмоқчисиз?

— ЎзХДПнинг сайловолди Сиёсий дастурида белгиланган вазифаларни сидқидилдан адо этиш асосий муддаом. Яна қолаверса, қабул қилинадиган қонунлар мағзини чақиб, парламент ишини халқ манфаатига яқинлаштирган ҳолда ишлашни ҳам асосий бурчимга айлантирмоқчиман.

— Сир бўлмаса, улар нималардан иборат?

— Бўтақора қишлоғига табиий газ қувурларини етказиш кўпчиликнинг азалий орзуси. Мен буни наказ сифатида адо этмоқчи эмасман. Халққа тоғ-тоғ ваъда бериб, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириш давримиз учун ёт иллатга айланди. Яқинда бу масалани қандай ҳал этиш йўллари билан қизиқдим. Суриштирсам, қишлоқларни газлаштиришни давлат ҳисобидан бажариш имкониятлари ҳам йўқ эмас экан.

— Шахсий уй-жой қуриш муаммоларига қандай қарайсиз?

— Бу ҳозирги пайтдаги энг муҳим масала. Бунинг бир омили бор. Банкларда корхоналарнинг кўзғалмас маблағлари бўлади. Ундан узоқ муддатга кредит берилса, уй қурилишидаги қийинчиликлар анча енгиллашарди.

Саҳифалар материалларини "Ўзбекистон овози" махсус мухбирлари Алишер РЎЗИЕВ ва Рустам АҲМАДАЛИЕВ тайёрлашди.

РАҲБАР МАСЪУЛИЯТИ

Шаҳрисабз консерва заводи Қашқадарёда тўнғич корхоналардан бири. Айни кунда бу жамоа қайта ишлаш саноатининг энг замонавий ютуқ ва имкониятларидан фойдаланиб катта муваффақиятларга эришмоқда.

Маълумки, қай бир корхона раҳбари ишбилармон, ташаббускор бўлса ўша ерда иш бароридан келиши аниқ. Мазкур корхона директори Сафар Эштўхтаров ҳам бу ерда оддий ишчиликдан бошлиқ даражасигача бўлган йўлни босиб ўтганлигидан ишлаб чиқариш кўрсаткичларида яхши натижаларга эришмоқда. Чунки у корхонанинг ким қаерида ишлашини, қайси мутахассис қайси бўғинни эплаб кетишини, самара келтиришини билади.

У киши бизга завод хаётида ХДП аъзоларининг ўзига хос етакчилик фаолияти ҳақида гапириб, ўзининг ўринбосари, бошлангич партия ташкилоти котиби ҳузурига йўл бошлади.

— Мулк соҳибини топган жойда, унга эгалик муносабати тубдан ўзгаради. Буни биз шахсий манфаатдорлик устивор бўлишида, оқибатда ишунуми ва маҳсулдорлик янада ортиб бораётганида синаб кўраяпмиз, — дейди биз билан суҳбатда бошлангич партия ташкилоти котиби Худойназар Юсупов.

Заводда Ўзбекистон ХДПнинг 50 нафар аъзоси бор экан. Уларнинг кўпчилиги ҳаётда ўз тажриба ва устозлик қобилиятларига эга бўлганликлари учун ҳам иқтисодиётда ҳамиша завод аҳли сезиларли силжишларга эришмоқда. Шу боисдан завод эндиликда ҳиссадорлик жамияти гувоҳномасини қўлга киритди.

Консерва заводида бошлангич партия ташкилотининг кенгаш аъзоларидан 7 нафари ишчи эканлиги ҳам бунинг яққол далилидир.

— Заводимиз директори янгиликлардан чўчимайдиган, доимо фойдали ташаббуслар ижодкори, — дейди яна партия котиби Х. Юсупов гапига урғу бериб. — Кенгашимизда кадрлар билан ишлаш ва ёшлар сафини ўстириш ҳамда иқтисодий ислоҳотларга раҳбарлик вазифаси ҳам у кишининг назаридан четда эмас.

Айни кунда бу ерда 300 тонналик битта конвейер ва 480-500 тонна томат пиширишқувватига эга бўлган иккита қозон ҳамда Италияда ишланган йирик линия ишга туширилди. Ёки корхона бир кеча кундузда 1200 тонна помидорни қайта ишлаш имконига эга. Қувонарлиси эса завод йилига 130 турдан зиёд 130-135 миллион дона шартли банка консерва маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

Партия ташкилоти котиби билан цехларни айландик. Ишбошилар ва малакали ишчилар билан суҳбатлашдик. Корхона аҳлининг энг юксак шиори: "Маҳсулотларимизни жаҳон талаблари асосида чиқарайлик!" Бу даъват қуруқ замонасозлик шиори эмас, пойдевори қурила бошлаган келажак йўли эканлигини бош директордан тортиб оддий ишчигача ишонч ва ғурур билан гапирди. Хорижий мамлакатлар билан заводнинг азалий алоқаси бор. Бу ҳамкорлик йил сайин мустаҳкамланмоқда. Англия, Франция, Италия, Польша, Харватия каби мамлакат ишбилармонлари билан ўрнатилган дўстона алоқалар ёки тузилган шартнома варақаларини ўқиб кўриб, мустақилликнинг бебаҳо неъматидан баҳраманд бўлгандай фахр ва ифтихор туйғулари оғушида қоласиз.

Корхона йил давомида айрибошлаш эвазига Свердловскдан ёғоч-тахта, Уссурийскдан ёғоч қутилар, Комсомольск-Амурдан дори-дармонлар, Уфадан ҳар хил вакциналар, Қрим ва Олтойдан идишбоп тунука олиб, биргина ўзини эмас, шаҳар ва тумандаги бошқа корхоналарнинг ҳам иш юритишига амалий ёрдам бермоқда.

Шунингдек Ўзбекистон ХДП фаоллари бош муҳандис Абдукарим Бердиев, цех бошлиқлари Жамил Маллахонов, Раҳмон Ёрматов, Абдураззоқ Узоқов, Аъзам Наз-руллаевлар оддий ишчиликдан шу даражага кўтарилган. Комила Мўминова, Мухаррам Усмонова, Баҳром Норов, Шокир Бахриев, Светлана Кодякова, Елена Юзбошева, Елена Парамонова, Ҳайринисо Раҳмоновалар жамоа ўртасида фидойи меҳнати билан ўрнак бўлаётир.

Бугун Шаҳрисабз шаҳар корхоналари ўртасида ушбу консерва заводининг алоҳида ўрни бор. Бу ерда тадбиркорлик, меҳнат унумдорлиги эвазига даромад йил сайин кўпаймоқда. Эришилган барча ютуқ ва муваффаққиятлар замирида корхона фаоллари ЎзХДП аъзоларининг раҳнамолиги, фидойилиги, уюшқоқлиги ва ташкилотчилиги очиқ-ойдин сезилиб турибди.

Ғози РАҲМОН.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ"ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Қадрли муштарийлар!

Ҳозир республиканинг барча почта бўлимлари, матбуот тарқатиш тармоқларида "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетаси учун 1995 йилга обуна давом этяпти.

Сиз "ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" газетасида республикамизда бозор иқтисодиётига ўтиш давридаги янгиликлар, бутун жаҳонда бўлаётган воқеалар, шунингдек, турли рукнлар остида барча соҳаларга тегишли маълумотлар билан танишиб бориш имкониятига эга бўласиз.

Яширмаймиз, газетамиз чакана савдога жуда оз миқдорда чиқарилади. Шунинг учун уни мунтазам ўқиб бораман десангиз, унга ОБУНА БЎЛИНГ!

Билиб қўйинг, бизнинг газетамиз обуна баҳоси республика етакчи рўзномалари орасида энг арзонидир.

Фуқаролар учун:
бир йилга — 252 сўм,
олти ойга — 126 сўм.
Корхона ва ташкилотлар учун:
бир йилга — 528 сўм,
олти ойга — 264 сўм.

Обуна—95

МУКОФОТГА — ОБУНА

Халқимиздаги тантилик, фидойилик, эл-юрт иши учун куйиб-пишишликка бозор иқтисодиёти ўз таъсирини ўтказа олгани йўқ. Янги шароитда ҳам одамлардаги бу бебаҳо сифатлар янада шаклланиб, алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. ЎзХДП Андижон шаҳар кенгашининг бир пиёла чой устидаги суҳбатига йиғилган партия фахрийлари, фаоллари, етакчи бошлангич партия ташкилотларининг котиблари, маҳалла оқсоқоллари бунга яна бир бор иқрор бўлдилар.

Қизғин суҳбат, ўйин-кулги, дилрабо қўшиқ ва рақсларга берилиб, бир пиёла чой устида ҳордиқ чиқарган отахон-онахонларни шаҳар партия ташкилотининг яна бир ажойиб иши мамнун этди. 45 нафар партия фахрийси ва фаоли партиямизнинг бош нашри "Ўзбекистон овози" газетасининг келаси йил олти ойи учун обунаси билан мукофотланди. Беш киши эса "Голос Узбекистана" газетасига обуна билан рағбатлантирилди. Мукофотларни эгаларига байрам тадбирида қатнашган Андижон шаҳар ҳокими Абдулла Собиров ва ЎзХДП Андижон вилоят кенгашининг биринчи котиби Расулжон Мухторов топширдилар.

"Ўзбекистон овози" мухбири.

Сиз севган санъаткор

"ЎТКУРИЙ" ОЛТМИШГА КИРИБДИ...



Ишонгиси келмайди одамнинг. Сизу-бизнинг кўз ўнгимизда ўтган 42 йиллик ижодий йўл...

Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти соҳиби Обид Юнусов билан театрда учрашдик. Сочларига оқ тушиб, тишлари ҳам "саналиб" қолган бўлса-да, қомати тетик. Барибир олтмиш бермайсиз.

— Обид ака ижодингизда Сизни бир поғона одамларга яқинлаштирган Ўткурий ролининг яратилиш тарихи ҳақида гаплашсак.

— Мабодо бироз баландпарвозроқ туюлсаям, бир гапда. Актёр юзлаб сиймоларни яратса ҳам битта "особий"си бўлади. Мисол Аброр аканинг "Отелло"си, Наби аканинг "Яго"си ана шундай роллардан. Каминада эса "Ўткурий". Ҳали-ҳалигача кап-катта, тузук-тузук одамлар мени Ўткир ака деб чақиришади. Бўлмаса театрда юздан ортиқ, кинода ўттиз чоғли рол ўйнаганман. Дубляжда қатнашган кинофильмларимни эса санаш ҳам қийин. Лекин, нима дейсиз энди...

Асли бу рол Тўлқинга (Тожиев — Ҳ. Э.) берилганди. Уни раҳбарлар бир муддатга Қаршигами жўнатиб қолишди. Шу билан режиссёр Шариф Қаюмов хуноб денг. Репетиция тўхтайди, бошқа бировга ишонч йўқ. Хуллас, ўзим режиссёрдан шу ролни сўраб олганман. Тўлқин келиб репетицияни кўриб ўзи воз кечганди ундан.

Спектакль премьерасига ўн кунлар қолганида бош режиссёримиз Тошхўжа Хўжаев (жойлари жаннатда бўлсин) одати бўйича залнинг орқа ўриндиқларидан бирида ўтириб кузатарди. Ушанда шарт тўхтатиб, Ўткир шу шеърни қўшиқ қилиб айтасан, деб қолдилар. Биладилар, мусиқага дахлдор оиланинг фарзандиман, рубоб, у-бу чалиб юрган вақтларим ҳам бўлган. Ўша пайтларда "Билмайсан" деган бир ашула бўларди. Қарасам шеър ўшанинг оҳангига тушаяпти. Толик ака, дейман, "Билмайсан" га тушаяпти. Йўқ, дейдилар у киши, оригинал бўлсин, топ, топ, бўл. Шу излайман, оҳанг тополмайман, ҳамма мени кутиб турибди. Нима бўлса бўлди, деб хиргойи қилиб дуторни бир пардада тинғирлатиб қўшиқни бошлаб кетдим.

Дунёда яхши таом кўп, биттаси ёғли палов,
Шунча лаззат, шунча роҳат еса нечоғли палов...

Зўр, бўлади, дейди Тошхўжа ака. Мен эса дарров хаёлимни бир жойга йиғишим лозим эди. Оҳангни эсда сақлаб қолиш керак-да. Ваҳолонки, барибир ўша қўшиқнинг куйи экан...

— Ўша пайтдаги билан бугунги театрни солиштирсак...

— Йўқ, йўқ, бунинг иложи йўқ. Аввало, у пайтларда театрнинг ўзига бўлган муносабат бошқача эди. Кейин, бугун энг катта муаммомиз — бу режиссёр масаласи. Актёрлар, забардаст актёрлар бор. Ўша "Парвона"да шундай жойи бор-да:

Ҳа, масаллиқ яхши бўлса, ошни лаззатли қилур,
Лекин аммо бир чети ошпазга ҳам боғлиқ палов

Режиссёр актёрдан савияси, билими билан анча устун бўлиши, ҳар бир сўзига ишонтира олиши керак. Актёр унга ишонмадими — тамом.

— Жуда кўп сиймоларни ўйнагансиз. Кинода, театрда. Хўп, қайси бир қаҳрамонингиз ўзингизга, ҳаётдаги Обид Юнусовга ўхшаб кетади?

— Юнус Ражабийнинг ўн икки фарзанди бўлган. Ҳозир ўнтамиз ҳаётмиз. Мисол, укам Ҳасанга дадамнинг вазминликлари ўтган, мен билан Тоҳирга ғазаб отига минганда "олов" бўлиб кетишлари. Ҳаётда бировга ёмонлик соғинган эмасман, иншоолло. Қўлимдан келганча одамларнинг ҳожатини чиқаришга ҳаракат қиламан. Кўнглим ҳам бўш. Шу маънода "Тўйлар муборак"даги "Куёв бола" ўзимга кўпроқ ўхшайдими дейман-да. Қаранг энди — ўзининг тўйи куни шунча одамнинг ҳожатини чиқариб, ўзи цементга қоришиб ўтирибди. Аслидаям шундай одам бормикин ҳаётда дейсиз-да. Саид Аҳмад шу мавзуни зўр ёзган лекин.

— Обид ака, кўпроқ кулгили ролларда ўйнагансиз. Демоқчиманки...

— Яъни комик актёрсиз демоқчисиз-да. Ўзим бундай дегим келмайди. Сабаби ёшликдан орзуим Гамлет, Навоий ролларини ўйнаш эди. Балким ўша орзу мени актёрликка етаклаган бўлса ҳам ажаб эмас. Лекин ё насиб дейдилар, афсус бу орзу менга армон бўлиб қолди. Энди томошабинга драматик рол ўйнаб чиқсам, унга қабул қилдиролмайман, деб қўрқаман.

— Салбий ролни ўйнаш қийинми ё ижобий-синими?

— Менимча, биринчиси қийинроқ. Қачонки актёрга томошабинда нафрат уйғонсагина ўша ижро мукаммал чиққан ҳисобланади. Дарвоқе, Ўткурий ҳам салбий қаҳрамон. Қандай одамларга ёқиб қолган...

— Энг биринчи рақамли устозингиз?

— Наби Раҳимов. Оллоҳ раҳматига олган бўлсин у кишини. Институтда ҳам ўқитган, театрда ҳам. Ҳар қалай назаримда ишончини оқлаб келаяпман шекилли,яқинда ўзлари ҳам биринчи шогирдим деб мени айтибди. Бундан кўнглим тоғ қадар юксалди. Ўзимга келсак, Эркин Комиловни шогирдим деб ҳисоблайман. Энди умуман кимки сиздан олдин ўтса, ундан барибир нимадир ўрганасиз, ёшлар эса сиздан ўрганади. Буни инкор этиш керак эмас, албатта.

— Катта бир театрнинг забардаст актёрисиз. Хўш, актёр, артист дегани ким ўзи?

— Ўз фикримни айтай сизга. Актёр — акт, яъни мавзуни, асарнинг моҳиятини томошабинга етказиб берувчи, ўртадаги одам, деб тушунаман. Артист — ўз ишининг устаси, яъни ўрисча айтсак "мастер". Мисол, ғишт терувчи ҳам, директор ҳам, сотувчи ҳам артистлик даражасига етиши мумкин.

Ҳусан ЭРМУҲАММАД гурунглашди.



Фарғона вилояти. Бешариқ туманидаги касалхона жамоаси халқ соғлиғини муҳофаза қилиш борасида бирмунча ютуқларга эришмоқда. Муҳими, бу ерда кўпгина бўлимлар очилиб, беморларни замонавий усулларда даволаш йўлга қўйилаяпти. Бинолар таъмирланди. Янги-янги бўлимлар очилди. Шу боис бу ерга келаётган беморлар ўз саломатликларини тиклаб, қадрдон корхоналарига равона бўлмоқдалар. Бу борада шифохонанинг жонкуяр врачлари ва медицина ходимлари жонбозлик кўрсатишаётир.

Суратларда: 1. Шифохона бош врачи Кенжабой Пайғамов, бош врач ўринбосари Волида Ёқубова ва Насиба Раҳимова. 2. Яккатут қишлоғида қурилган врачлик амбулаторияси биноси. 3. Бешариқ туман шифохонаси терапия бўлими бошлиғи Маъруфхўжа Отахўжаев.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар.

ВИЛОЯТДА ЯНГИ ТЕАТР

ҚАШҚАДАРЁ. Вилоятда янги болалар қўғирчоқ театри иш бошлади. Вилоят маданият ишлари бошқармасининг ташаббуси ва бевосита ёрдами билан ташкил этилган мазкур театр Муллатўйчи Тошмуҳамедов номидаги мусиқали драма театри қошида вужудга келди. Куни кеча ушбу театр ўзининг илк премьерасини томошабинлар ҳукмига ҳавола этди. Драматург Латиф Маҳмудовнинг "Дангасанинг ҳоли вой" асари асосида тайёрланган уч пардали эртак-пьеса йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Асарни республика қўғирчоқ театрининг бош режиссёри Шомурод Юсупов саҳналаштирган. Саҳна безакларини истеъдодли рассом Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби В. Акудин ишлаган.

Илҳом КАРОМОВ, "Ўзбекистон овози" мухбири.

Ғаройиб дунё

НАРХ ПАСАЯДИ

ПАРИЖДАГИ аёллар пойабзали дўконларидан бирида қизиқарли янгилик пайдо бўлган. Бу ерда харид қилаётган буюмлари учун 10 дақиқадан кам вақт сарф этган харидорга шу буюмнинг нархи 10 фоиз камайтириб сотилади.

ҚЎШИМЧА ДАМ ОЛИШ КУНИ

НОРВЕГИЯ ҳукумати чекишга қарши астойдил бел боғлаган. Бу ерда 18 ёшга тўлмаганларга сигарет сотиш тақиқланади. Ёшлар ишга жойлашаётган пайтда албатта, чекиш-чекмаслиги ҳисобга олинади. Шунинг учун ҳам Норвегиянинг айрим йирик фирмалари чекмовчилар учун ҳар уч ойда қўшимча бир марта дам олиш куни белгилаган. Фирмаларнинг раҳбарлари ҳатто кашандалар чекишга вақт сарфлаб, бир кунда қанча-ю, бир йилда қанча иш куни йўқотишини ҳам ҳисоблаб чиқишган. Маълум бўлишича, бир иш кунида 6 марта сигарет чеккан кашанда (ҳар бир чекишга ўртача 5 минутдан ҳисобланганда) бир йилда 3 ҳафталик иш кунини йўқотаркан. Агар бир кунда бир қути сигаретни кўрдим демайдиганлар бўлса, бай, бай, фирма соҳибининг ҳолига вой...

***

АҚШдаги компьютер ишлаб чиқарувчи "Атари" фирмасининг Олмониядаги бош филиали бошлиқлари ҳам чекмайдиган ходимларига қўшимча 6 кун ҳақ тўланадиган меҳнат таътили бериш ҳақида қарор қабул қилган. Ҳисоб-китобларга кўра, чекиш учун ажратилган танаффус фирмага жуда қимматга тушаётир. Юқоридаги қарор эълон қилингандан кейин фирмада чекувчилар сони кескин камайди.

ЧЕКМАСЛИК УЧУН ШИРИНЛИК

КАРЛСРУЗ (ҒФР) шаҳридаги баъзи бир такси ҳайдовчилари машиналарига ўтирган йўловчиларни ширинлик билан меҳмон қиладилар. Улар бу усул билан чекишга қарши кураш кампаниясига муносиб улуш қўшмоқдалар.

"ЙЎТАЛАДИГАН" ТЕЛЕФОН

ЛОС—АНЖЕЛОСДА фақат чекишни ташлашни хоҳловчилар фойдаланадиган антиқа телефон хизмати мавжуд. Керакли сонни теришингиз билан ундан ашаддий кашанданинг кишини ваҳимага келтирувчи йўтали эшитилади. Бундай телефон хизматидан бир марта фойдаланган киши папиросни ўйлаб қўлга олади.

АЁЛЛАР МАҲРУМ ЭТИЛГАН

ҚУВАЙТ йўл полициячилари янги қоида жорий этишган. Бу қонунга кўра, юзида ёпинғичи бор аёлларнинг машина ҳайдаши тақиқланади.

Қўшни Саудия Арабистонида бу муаммо ўзгача ҳал қилинган: у ерда аёлларнинг машина бошқариши умуман тақиқланади. Бироқ бир неча аёл тақиқлашларга қарамай Эр-Риёд кўчаларида машина ҳайдаган эди, эвазига улар ишдан бўшатилди ва чет элга чиқиш паспортидан маҳрум этилди.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

МИЛЛИОНЕРГА САДАҚА ҚИЛИНГ

Ҳар ким ҳам миллионер сўзини эшитганда ўзига тўқ, бадавлат одам ҳақида ўйлайди. Лекин канадалик миллионерларга осон эмас. Маълум бўлишича, 1992 йили иш жойининг тайини йўқ 14 нафар миллионер қонуний асосда ишсизларга бериладиган нафақадан фойдаланиб келган эканлар. Бундай усулда ўзига хос саховатдан фойдаланиш учун миллиондан келадиган фойда бор-йўғи 4 ойгача етиши ҳақида маълумотнома тавсия этилса кифоя экан. Қолган 8 ой мобайнида миллионер тирикчилигини ўтказиб юраверади. Ваҳолонки, маҳаллий қонунга мувофиқ йиллик даромади 55 минг доллардан ошмайдиган кишиларгина ана шундай нафақа олиш имкониятига эгадирлар.

КАЛХАТУ ҚИРҒИЙ САБАБ

Ҳиндистон ҳарбий ҳаво кучлари йилига 15 миллион доллардан кўпроқ зарар кўрмоқда. Бунга сабаб асосан учиб юрган қушлар экани маълум бўлди. Йилига 100 дан зиёд само тўқнашувлари рўй бериб, жанговар машиналар ишдан чиқмоқда ва таъмирталаб бўлиб қоляпти. Ҳатто қирувчи тезучар самолётнинг ҳам қушларга дуч келиб, бошқарувини йўқотганлиги ҳақида маълумотлар бор. Ҳаммаси бўлиб 77 хил қуш ҳаво кемаларига бехосдан урилаётган бўлса-да, асосан калхатлар билан қирғийлар кўпроқ зарар келтиришмоқда. 1966 — 1993 йиллар орасида Ҳиндистон ҳаво ҳудудида юз берган бундай воқеалар 61,4 фоизни ташкил этмоқда.

ТИЛИНИ ТИШЛАБ ОЛДИ

35 ёшли аёл ўзини ўта бузуқ хотинбоздан муносиб ҳимоя қилди. Аёл ўз автомашинасига чиқиб олган Ҳаввер Салинас исмли кимсанинг қарийб 5 сантиметрли тилини ғарчча тишлаб олди. Жароҳат топган бу хотинбозга тезлик билан тиббий ёрдам кўрсатилди. У АҚШнинг Финикс шаҳрида ўзига келганидан кейин ҳибсга олинди. Хотинбоз фақат маънавий бузуқлиги учунгина эмас, балки бойлик орттириш ниятида бўлган эди, деб айб қўйилмоқда.

БИР ДАРАХТДА 84 ХИЛ ОЛМА

Германиялик соҳибкор боғбон Хервиг Парцельт ишбилармонлик билан Гиннеснинг рекордлар китобига ёзилса, ажаб эмас. Баварияниинг Бамберг шаҳри яқинида истиқомат қилувчи бу боғбон бир дарахтга 84 хил олма навини пайванд қилиб, юқори натижага эришди.

Маданият янгиликлари

САҲНАДА — НОДИРАБЕГИМ

Шаҳрихон туманидаги 2-лицей мураббийлари ва талабалари ҳамкорликда саҳнага олиб чиққан андижонлик муаллиф Эгайбой Турсуновнинг "Нодирабегим" драмаси кўпчиликка манзур бўлди. Нодирабегим ва Амир Умархоннинг ўтли ғазаллари, мусиқаларидан иборат бўлган мазкур саҳна асари нафақат Шаҳрихонда, балки вилоят туманларида ҳам намойиш этилиб, театр шинавандаларининг олқишига сазовор бўлмоқда. Спектаклдаги асосий ролларни лицей мураббийлари ва талабалари ижро этмоқдалар. Шунингдек, асарда ёш хонанда Толибжон Зокиров томонидан ижро этилаётган Нодирабегим ғазаллари билан айтиладиган мумтоз ашулалар томошага файз бағишлайди.

КИЧКИНТОЙЛАР МАМНУН

Куни кеча Бухоро вилояти Садриддин Айний номидаги мусиқали драма театри ижодий жамоаси жажжи шинавандаларга Омон Шариф қаламига мансуб "Қўғирчоқбоз ва қўғирчоқлар" деб номланган мусиқали эртак-комедияни тақдим этдилар. Қизиқарли саҳнавий томошалар, қувноқ мусиқалар, маҳорат билан ижро этилган қўшиқлардан иборат мазкур спектаклни ёш томошабинлар катта қизиқиш билан кутиб олдилар. Асарни режиссёр Омонжон Шарипов саҳналаштирган. Эртак руҳига мос саҳна безакларини Ўзбекистон халқ рассоми Борис Ким ишлаган.

ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ...

"Иноят" саёҳатчилар фирмаси шаҳримиз аҳолисининг турли мамлакатларга саёҳатини ташкил этиш билан бирга ўзбек миллий санъатини чет элларда намойиш этишда ҳам катта ишларни амалга оширмоқда. Куни кеча фирма иқтидорли хонанда, "Азим даре" ансамблининг бадиий раҳбари Муҳаммаджон Қозоқбоев тайёрлаган "Ўзбекистон – менинг Ватаним" деб номланган адабий мусиқий дастур билан Исроил ва Миср Араб Республикасида бўлиб қайтди. Фирма президенти Мирқодир Обидов ташаббуси билан Миср Араб мамлакатининг бир қатор дорилфунунларида бўлиб ўтган учрашувлар ҳам ўзбек миллий санъати, бой маданий мероси ҳақидаги қизиқарли суҳбатлар, куй ва қўшиқлар билан ҳамоҳанг ўтди.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

ХАЛҚ ИЖОДИЁТИ БАЙРАМИ

Ҳамза номидаги Академик драма театрида фольклор жамоаларининг Республика кўрик-танлови – "Чашма – 94" бўлиб ўтди. Ҳудудий танловларда ғолиб чиққан вилоятлар ва қорақалпоғистонлик халқ ижодиёти ижрочиларининг ўзига хос мусобақаси ўзлигимизни намоён этувчи катта бир анжуманга айланди.

Республика халқ ижодиёти маданий-маърифий маркази ташкил этган ушбу кўрик-танловнинг аҳамияти катта албатта. Зеро, халқ ижодиёти, миллий урф-одатлар, тўю маъракаларимиздаги ўзига хосликларимиз ўтган юз йилликда аста-секин унутила бошлаган эди. Бундан тўрт-беш йил олдин эндигина қайта жонлана бошлаган одатлар, миллий маросимларимиз кўпчиликка ҳатто сингишмай, "тўғри келмай" қолган ҳоллари содир бўлдики, ҳайриятки, бу бугун бир тарих бўлиб қолди.

Ғаллаорол тумани "Гаштак" фольклор этнографик жамоасининг "Гаштак", "Зебомхон", Хоразмдан келган "Достон" гуруҳининг "Ноз этасан", "Лазги", Булунғур тумани "Човқи" дастасининг "Бешқарсак", "Човган кўпкари", Сариосиё тумани, С. Кассиров номли жамоа хўжалиги "Зевари" ансамблининг "Карвон соҳили" дастурлари томошабин ва зукко жюри ҳайъатининг олқиши ва юқори баҳоларига лойиқ топилди.

Анжуман таассуротларга бой бўлди. Хулоса эса кўрик танловни мунтазам ўтказиб туриш фақат фойдадан ҳоли эмаслигидир.

Ҳ. ЭРМАТОВ.

Арғумоқ остингдадур

МИНГ ДАРДГА ДАВО

Шу кунларда кеч куз кириб, ҳовлиларнинг бир чеккасида, гулзорларнинг четида яйраб ўсолмай турган лимонўт ёки лимон ялпизини учратиш мумкин. Афсуски, бу гиёҳнинг қанчалик доривор эканлигини кўпчилик билмаса керак. Агар шу ўтнинг баргини олиб, қуритиб қўйилса, аёзли кунларда асқотади. Айтайлик, бир ош қошиғида лимонўтдан олиб, бир стакан қайноқ сув солиб, 30 минут олиб қўйилгандан кейин сузилгач, илиқ ҳолида 3 маҳал овқатдан олдин ичиб юрилса кони фойда бўлади.

Бу гиёҳ асабингизни созлайди, қон босимингизни туширади, меъда-ошқозон фаолиятини яхшилайди. Агар 3 маҳал ичишни кўтараолмасангиз эрталаб ва кечқурун истеъмол қилсангиз ҳам кифоя. Ёки ош қошиқ ўрнида чой қошиқдан фойдаланишингиз мумкин. Бу мўъжизакор гиёҳнинг фойдасини уйқусизлигингиз барҳам топганда, овқат ҳазм қилишдаги нохушликларни сезмаганингизда, жигарингиз ҳам оройиш топиб, асабларингиз жойига тушганда сезасиз.

Энди Шарқда, хусусан Тибет ва Хитой томонларда кўпроқ фойдаланиладиган бир муолажани ҳам тавсия этмоқчимиз. Бунинг учун дориланмаган лавлагидан фойдаланинг. Уни кўкраги оғриган аёлларга тавсия этамиз. Лавлагини майда қирғичдан ўтказиб, кечқурун ётишдан олдин оғриб турган жойига қўйиб, эрталаб оласиз. Кейин ювиб ташлайсиз. Келаси куни кечқурун яна такрорлайсиз. 3-кечаси дам олинади. 4 ва 5-кечаси яна даволанади. 6-да яна дам берилади. Ҳаммаси бўлиб 20 марта лавлагидан фойдаланилганда шифосини сезасиз. Битта лавлагини 2 марта ишлатиш мумкин. Сизларга сиҳат-саломатлик тилаб

МАРҒУБА буви.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон театр арбоблари уюшмаси халқ артисти, Давлат мукофоти лауреати

Наби Раҳимович РАҲИМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Журналистлар уюшмаси матбуотимиз фахрийси

Маҳмуд ЯҲЁЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига чуқур таъзия билдиради.

Ўзбек Давлат телерадиокомпанияси Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблининг хонандаси Матлуба Дадабоевага отаси

Болтабой ДАДАБОЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Азиз ҚАЮМОВ, Алишер МАРДИЕВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 32-53-15.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.
Реклама ва эълонлар бўлими — 33-38-55, 32-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 5-27-11; Жиззахда — 3-31-86; Нукусда — 7-58-83; Самарқандда — 35-22-90;
Бухорода — 3-54-87; Навоийда — 3-74-76; Қаршида — 3-25-79; Урганчда — 6-51-35;
Гулистонда — 2-26-22; Наманганда — 6-43-43; Қумқўрғонда — 52-624; Фарғонада — 26-37-16.

• Рўйхатдан ўтиш тартиби №00 120. • Газета офсет усулида А – 2 форматида босилади. • Ҳажми 2 босма табоқ. • Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.15. Г – 1228, 72841 нусхада босилди.

Навбатчи муҳаррир: Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи: Ҳ. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт - матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси, 41 - уй.

123456.